O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 1 MART ◆ PAYSHANBA ◆ № 27 (26.729)

ЭЗГУЛИК ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

— дейди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов

Зиддиятлар ва қарама-қарши кучлар кураши асосига қурилган бу рўйи заминда қилинган ҳар қандай ҳаракат ўз кўлами ва жамият манфаатлари билан қай даражада уйғунлик касб этишига кўра қадр топади. Инсоннинг бахтсаодати ва эзгулик йўлида қилинган каттадир-кичикдир ҳар қандай интилиш зое кетмаган. Халқ ўз манфаатларини ҳимоя қилган ва ана шу йўлда қатъият билан курашган қаҳрамонларини ардоқлайди. Ана шундай қаҳрамонлар тимсолида халқнинг миллий қиёфаси ва орзу-аъмол-ташқи салбий омиллар таъсиридан сақлаган ҳолда, баркамол этиб тарбиялаш сингари долзарб масалаларга алоҳида ўрин берилди.

— Ёшлар кўзимизнинг оқу қораси, бугун бошлаган ишларимизнинг давомчиларидир. Улар қалбида шу муқаддас Ватанга, унинг ҳақиқий эгаси бўлган заҳматкаш халққа нисбатан муҳаббат уруғи илдиз отмас экан, буюк келажакни қуриш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз, эзгу интилишларимиз зое кетаверади, — деди Абдулла Орипов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, билимли, ижодкор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг истиқлол ғояларини амалиётга тадбиқ этишдаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига биноан, аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (тақдирланганлар рўйхати илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 Март — халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган тантанада совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов) ҳамда ЎзАга (М.Муҳаммад Дўст) Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 февраль

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 февралдаги 100-сон қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Мамутова Диана Сабитовна — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 83-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

Кўчқорова Ҳилола Норқўзиевна — Андижон давлат университети ботаника ва экология кафедраси ўқитувчиси

Раҳмонова Навбаҳор Халиловна — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Ражабова Дилфуза Шавкатовна — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли ўқувчилар лицейининг 11-синф ўқувчиси

Холмахматова Шахноза Бахтиёр қизи — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Алишер Навоий номидаги 102-ихтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси

Исанова Зебинисо Холмурадовна — Навоий давлат кончилик институти қошидаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси

Мирзакпарова Холида Тўрамирзаевна — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

Асқарова Гулжамол Шодмоновна — Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Ҳилол» газетасининг ходими

Зойитова Шаҳло Набиевна — Сирдарё вилояти Меҳнатобод тумани халқ таълими бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси, 1-мактаб ўқитувчиси

Холмуродова Зебунисо Баҳодиржоновна — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Турғунбоева Гулноза Тоштемировна — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 12-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Тешабоева Муҳайё Жўрабоева — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 27-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Рўзметова Малоҳат Эркинбоевна — Хоразм вилояти Боғот тумани Бобур номли 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Тўхлиева Наргиза Боқижоновна — Тошкент шаҳар Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси

ЮЗИ ЁРУҒ ПОЛВОНИМ

Кейинги беш йилда эркин ва юнон-рум кураши полвонларининг «Мустақиллик кубоги» учун ўтказилаётган халқаро мусобақада эришаётган ютуқлари жаҳон мутахассислари томонидан эътироф этилди. Муҳими, халқаро мусобақанинг Гран-при мақомини олиши бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарасидан нишонадир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси президенти, Осиё кураш федерацияси вице-президенти Аҳрор Рўзиевга мурожаат қилдик.

Эртага Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа бошланади

— Дарвоқе, бошлаган ишимиз, эришаётган ютуқларимизга кўз тегмасин, дегим келади. Сабаби, эртага бешинчи марта «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа бошланаётган бўлса, унга қизиқувчилар сонининг ортиб бораётгани кишини ҳайратга солади. Маълумки, 1997 йили ассоциациямиз бошлаган ишни республика Давлат спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов билан эркин кураш федерацияси президенти С. Абдувалиевлар қўллаб-қувватлагандан кейин «Мустақиллик кубоги»га асос солиниб, илк марта беллашувлар ташкил этилган эди.

— Биламизки, халқаро мусобақаларга Гран-при мақомини бериш ўзича бўлмайди. Зеро, қисқа даврда «Мустақиллик кубоги» учун кураш ана шундай мақомга лойиқ кўрилди. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Ўйлайманки, юртимиздаги барқарорлик, спортни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш ишларига давлат томонидан аҳамият берилаётгани, соғлом авлод ҳақида ғамхўрлик қилинаётгани бундай эътибор топилишига омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, халқаро мусобақани ўтказишдаги ташкилий ишларнинг жаҳон андозаларига мослиги ҳамда курашчиларимизнинг ютуқлари инобатга олинган. Бўлмаса, халқаро спорт курашлари федерацияси президенти Милан Эрцеган: «Тошкент мусобақа ўтказишда ФИЛА таянчига айланди», деб эътироф этармиди?! Умуман жаҳонда 150 дан ортиқ ана шу туркумдаги мусобақалар мавжуд. Шулардан бештасигина Гран-при мақомини олган. Бу олиб борилаётган ишларимиз зое кетмаётганидан дарак беради.

— Бошланажак мусобақага тайёргарлик, Тошкентга келадиган меҳмонлару курашчилар ҳақида нима дея оласиз?

— Бу сафар 20 дан ортиқ мамлакатдан полвонлар қатнашади. Улар орасида Германия, Белоруссия, Япония, Россия, Туркия, Украина ва Латвия спортчиларининг борлиги беллашувларнинг муросасизлигини таъминлайди, деб ўйлайман. Мусобақага уч карра Олимпиада, етти карра жаҳон чемпиони Александр Медвед, халқаро спорт курашлари ассоциацияси вице-президенти Рафи Мартенити ҳамда таниқли мутахассислар Степан Казарян билан Александр Карелинларнинг келиши ҳам Тошкент баҳсига эътибордан нишонадир.

— Ўтказилаётган беллашув янги аср бошидаги энг йирик баҳслардан. Бундай нуфузли мусобақага мезбон сифатида ҳозирлик кўраётган полвонларимизнинг кайфияту шижоатлари ҳам яхши бўлса керак?

— Курашчиларимиз умумҳисобда зафар қучиб келмоқдалар. Бу гал ҳам имкониятларидан етарли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бошланадиган беллашувларда эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Атҳам Очилов, Дамин Захариддинов, Жаҳонгир Абдураҳмоновларга умид боғлаб турибмиз. Улар Минскда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли беллашиб, совринли ўринларни эгаллаб қайтдилар. Юнон-рум курашчилари эса Перм шаҳрида ҳозирлик кўрдилар. Бир сўз билан айтганда, кураш бу мардлик, тантилик, куч ва эпчиллик, рақибига нисбатан олижаноблик фазилатларини тарбиялаш омилидир. Ғолибларга аталган совринлар, эсдалик совғалари ҳозирлаб қўйилган. Меҳмонларни қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини сайр қилдириш ҳам кўзда тутилган. Ўйлайманки, навбатдаги Гран-при мусобақаси меҳмону мезбонларда унутилмас таассурот қолдиради.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

***

Абдулғани ЖУМА олган суратлар



Ижодий кечада академик лицей директори Аҳрор Хусанов, адабиётшунос олим Дониёр Бегимқулов, тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматов, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири Назира Жўраева, шоир Турсун Алилар сўзга чиқишиб, устоз шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари, ундаги исёнкор руҳ ва бу ўзига хосликнинг бугунги кундаги, хусусан, ёшлар онгини шакллантиришдаги аҳамияти хусусида тўхталдилар.

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МИННАТДОРЧИЛИК

«ЕРИМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШДИ»

Биз яхши ниятлар билан 1992 йилда фермер хўжалиги ташкил қилгандик. Лекин айрим тушунмовчиликлар сабаб, 1998 йилда Шеробод туман ҳокимлиги ерларимизни тортиб олишганди. Биз «Ўзбекистон овози» газетасига мурожаат қилдик. Газета жамоасининг хайрихоҳлиги натижасида танқидий мақола чоп этилди. Шундан сўнг ерларимизни ноқонуний тортиб олишганини тан олиб, ўзимизга қайтариб беришди.

Бунда Сурхондарё вилоят хўжалик суди раиси Н. Собиров ва Шеробод туман прокуратурасининг ҳам хизматлари катта бўлди. Улар танқидий мақоладан тўғри хулоса чиқариб, низоли ишни амалдаги қонунчилик асосида текшириб, бизнинг ҳуқуқимизни ҳимоя қилишди. Фермер хўжалиги ерлари эгаларига қайтарилди.

Ҳурматли таҳририят! Сизлардан илтимос, ушбу миннатдорчилигимизни газета орқали юқоридаги шахсларга етказсаларингиз, деб қайта ерли бўлган 30 фермер номидан:

■ **Х. БЎРИЕВ,**
Ч. ҚОСИМОВ,
Р. ЮНУСОВлар

ОДАМЛАР ОРАСИДА

ЎЧОҚДА ОЛОВ ЎЧМАСИН

ТУПРОҚНИ ТУШУНГАН ЗОРИҚМАС

Водий халқи ернинг «жони»ни ушлаган — ер тилини яхши билишади. Кафтдек текис жой, бир чизиқ жилға бўлса бас. Яшнатади. Гуллатади. Ким билсин, балки улар шароитдан келиб чиқиб деҳқончиликнинг тобини олиб, танобини тортишгандир. Ҳар ҳолда яхши яшашади. Водийнинг Олмос деган қишлоғи аҳли эрта баҳордан мамлакатимизнинг турли вилоятларига далабоп кўч-кўронини олиб, ижара ерда ишлагани чиқиб кетишади. 32 минг аҳолиси бор Олмосда айни мавсумда қолса 2 минг киши қишлоқда қолади, холос. Кеч кузда ҳар бир оила хонадон чўнтагига 5-6 миллион сўмни жойлаб қайтади. Қишда кўнгилни тўқ қилиб, оёқни узатиб дам олади.

Ер эгасини топганидан, семириб ҳосил берганидан хурсанд.

Деҳқон эса ҳосилини сотиб, бири икки бўлгани, ўғил уйлаб, қиз узатарга йиққани борлигидан хотиржам.

Мен доимо водийга боргач, ўзим туғилиб ўсган қишлоғим, биродарларимни хижолатли ҳол билан эслайман. Қишлоғим Муминқул (Олтинсой тумани)да йўқ деганда ҳар бир ҳовлида 15-20 сотих томорқа бор. Шу жой ҳам қаровсиз, экин-тикинсиз ётганини кўриб, ҳафсаласиз ҳамқишлоғим боқибеғам бўлиб яшаётганидан афсусланаман.

Ери бор одам ҳеч қачон камбағал яшамайди.

Ерда ишлашни билган одамнинг қўрасида қўй-қўзиси кўп бўлади, ўчоғида олов ўчмайди.

Мен буни Сурхон воҳасининг, менинг қишлоғимга ўхшаш, қишлоқлардаги бари-бари одамлар англашини истардим.

ҚИШДА ЗАМИН ГУЛЛАДИ

Ҳамкасбим Турсунали Ўрмонов билан Қувага бордим. М.Обидов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Шокиржон аканикида меҳмон бўлдик. Рўзғори бут, уй-ичи ёруғ, ҳамма нарса етарли, оилада фаровонлик эди.

Кечаси кирганимиз учун пайқамагандим — дарвоза олдида қоп-қорайиб турган уюмни тупроқдир-да, деган ўйга боргандим. Эрталаб туриб қарасам, ҳалиги усти ёпилган уюм узилган карам экан. Жойланса бир «КамАЗ» лиқ тўлади. Ё тавба, қаҳратоннинг қоқ ўртасида, аёзда карам етилганидан ҳайратландим.

Шокиржон тушунтирди — иссиқхонада етиштирибди. Донаси 100-150 сўмдан бозорда талаш бўлиб кетади. Чамаладим — дарвоза ёнида, нақд бир миллион сўм кўчада турибди. Ҳеч қаерда ҳеч ким кўз олайтирмабди, бир донасига ҳам тегишмабди. Қувада ҳар бир ҳовлида қишда ҳам ноз-неъмат, ризқ ўсади.

Шокиржон менга энига икки, бўйига ўнта кетмон сопига тўғри келадиган жойни кўрсатди. Помидор кўчати етиштирар экан. Эрта баҳорда харидорнинг ўзи излаб келаркан. 500 минг сўм даромад оларкан. Меҳнати ҳам ўзига яраша. Кечаси вақти-вақти билан иссиқхонани назорат қилиб, ҳароратни бир меъёрда ушлаб туриш керак.

Бутун қишлоқ аҳли ерни «сўзлатишни» эпларкан. Ҳар ҳовлида биттадан енгил машина бор. Томи баланд-баланд иморатлар, қўш қанотли темир дарвозалар, кўзингизни яшнатадиган ҳолда оқ бўёқ урилган деворлар, хуллас, бари бу жойда яшаётганларнинг дами анча кескир эканлигидан далолат.

Мен қишлоқдаги 20 сотих томорқамни ўйладим. Укам бу йил нима экаркин, яна маккажўхори экиб, бостирма устига хашак бостирармикин, деган хаёлга келдим.

ТЕША ТЕГМАГАН ЮПАНЧ

— Оҳангарондан ер олдим, деҳқончилик қиламан, — деди бир танишим.

У уйимда чорак соат ҳам ўтирмади. «Далани кўриб келай. Вақтим зиқ, бошқа сафар... чордона қурамиз», деб хайрхуш қилди.

Мен уни энди то кеч кузгача даладан топишимни яхши англасам-да, уйга келиб тур, деган маънода кузатиб қўйдим.

Абдуназар чустлик. Чуст билан Оҳангароннинг орасида катта довон бор, йўл ҳам олам жаҳон. Лекин Абдуназар Оҳангароннинг ери билан анча сирлашиб қолган — паст-баландини билади.

У ҳар ёзда сабзавотлардан менга қоп-қоп қилиб жўнатади.

Пул берсам олмайди.

— Сиз китоб ёзинг. Ерни менга қўйиб беринг, — дейди кулиб. Шунда ғалати бўлиб кетаман... Ер ҳақида, деҳқон ҳақида, деҳқонга техника бериб, шароит яратишни пайсалга солгувчи айрим тўралар тўғрисида, ернинг қуввати, дармони бўлган минерал ўғитларни етказиб бериш ўрнига турли-туман важ-карсонларни суйлагувчи раҳбарлар хусусида, умуман олганда, ерга чинакам эгалик қилиш орасида қандай тўсиқлар бор, ўринлатиб ёзмаганимдан уяламан. Бир менми, бошқалар ҳам деҳқонга, оддий меҳнаткашга тушунарли қилиб ер ҳақида ёзмаяпти-ку, деган ўй билан ўзимни юпатаман.

Бу юпанч билан ўзимни оқлай олмаслигимни сезиб тураман.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. ТАРИХ ҲУКМИГА ИСТИҚЛОЛНИНГ БИР БОБИНИ ҲАВОЛА ЭТИШ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ. БАЛКИ, БУ ЎТИЛГАН ЙЎЛЛАРГА ТИЙРАН БИР НАЗАР, ЎЗ-ЎЗИМИЗ УЧУН САРҲИСОБДИР.

ЮРТБОШИНИНГ НАЗАРИ ТУШГАН ГЎШАЛАР, УНИНГ ҚАДАМИ ЕТГАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРИ, УЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ИСТИҚЛОЛ ИЖОДКОРИ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗ НОМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ.

ПРЕЗИДЕНТ НАМАНГАН ВИЛОЯТИГА 1996 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ, НОЯБРЬ ОЙЛАРИДАГИ ТАШРИФЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ТАБИИЙ ГАЗ, ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНИҚАРСИЗЛИГИ ҲАҚИДА, МАКТАБ МУАММОЛАРИ, ТИББИЁТ, СПОРТ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА ТАНҚИДИЙ ФИКР БИЛДИРГАН ЭДИЛАР. ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ, СУВ ИНШООТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА ҲАМ ГАПИРГАНДИЛАР.

ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР, БИЛДИРИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР, ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА? ЮРТБОШИ ВИЛОЯТГА КЕЛИБ КЕТГАНДАН СЎНГ НАМАНГАНДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ?

ҚЎШ САҲИФАДА ШУЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

ЮРТБОШИ

МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Ислом КАРИМОВ:

Наманган деганда мен заҳматкаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман.

ГАЗЕТА —

Вилоятда бугунги кунда 35 номда турли мазмунда газеталар чоп этилмоқда. Шундан 15 таси ижтимоий-сиёсий, 9 таси тармоқ, 2 та болалар, 9 та маданий-маърифий газеталардир.

Газеталарнинг 2001 йил учун обунаси ўртача 138523 нусхани ташкил этди. Аниқроғи, туман газеталари сони 5000, вилоят айрим нашрлари 8-10 минг нусхадан кам эмас.

Истиқлол йилларида вилоят журналистларидан 2 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони, бир киши «Жасорат», уч киши «Шуҳрат» медаллари соҳиби бўлди.

ОРЗУСИГА ЕТГАН ОТАЛАР

Наманганнинг Норин туманида мўъжазгина Норинкапа қишлоғи бор. Президент 1996 йил сентябрь ойида шу қишлоқдан ўтиб кетаётганларида йўл четида турган оқсоқолларни кўриб қоладилар. Машиналар қариялар олдида тўхтайди. 85 ёшли Йўлдош бобо Азимов юртбошига қучоқ очиб пешвоз юрадилар. Шу ерда Ислом Каримов қишлоқ аҳолисининг турмуши, муаммолари юзасидан кексалар билан фикрлашадилар. Қишлоқ аҳволи, отахоннинг изтироблари, мавжуд дўкон пештахталарида маҳсулотлар камлиги, қишлоқ марказида бирон бир маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилмаганлиги, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида корхоналар, хусусий иншоотлар қилинмаганлиги юртбошимизни ўйга толдиради. Бу ҳақда орадан бир ой ўтгандан сўнг халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳам атрофлича тўхталади. «Яқинда Норинкапа қишлоғида бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор».

Бугун эса аҳвол ўзгача. Юз бераётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида у ерга ташриф буюрганимизда, не бахтки йўл четида ўтирган отахонларни кўрдик, улар билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Ёши 90 га яқинлашган бўлса ҳам ҳамон бардам Йўлдош бобо ўрнидан ғоз туриб бизни қарши олдилар.

— Президентимиз билан учрашганимизда табиий газ, тоза ичимлик сувининг йўқлиги тўғрисида гапирдик, — дейди отахон. Нафақалар ўз вақтида берилмаслиги, эътиборсизлик туфайли қишлоқ хароб аҳволга келганлигини куюниб айтдик. У киши газ ва сувнинг тез орада келишини, нафақалар ўз вақтида берилишини таъкидладилар. Ўша кундан бошлаб қишлоғимиз жамоли ўзгарди. Мен бугун қишлоғимизни Норинкапа эмас, Норин қалъа дегим келади. Табиий газ, тоза ичимлик суви етиб келди.

— Юртбошимиз ташрифидан сўнг қишлоқда анча ўзгаришлар бўлди. «Бахт» кўп тармоқли хусусий фирмаси томонидан республика «Бизнес-фонд»ининг имтиёзли кредити ҳисобига 22 ишчи ўрнига эга бўлган маиший хизмат уйи қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги мактаб биноси, коллеж қурилиши ниҳоясига етказилди. Истиқлол байрамининг 10 йиллиги арафасида юртбоши билан юзлашган отахонларимиз учун чойхона қуриб беришни мўлжаллаб турибмиз, — дейди «Норин» ширкат хўжалиги раиси Одилжон Қосимов.

Йўлга умид билан тикилиб, ўтаётган умрларини сарҳисоб қилаётган отахонлар Йўлдош Азимов, Раҳматали Сотволдиев, Набижон Абдураҳмоновлар қишлоқда консерва заводи барпо этилишини орзу қиладилар. Йўлдош ота кулиб: «Биз Президент қишлоғиданмиз»,— дедилар. Бу самимий сўзларда юртнинг устуни, юртбошига ишонч, эҳтиром йўғрилган.

МИЛЛАТ УЧУН МУҲИМИ МАКТАБДИР

Бугун оммавий ахборот воситаларига кўз ташланса тез-тез тадбиркорларимиз томонидан бунёд этилган бозор, дўкон, супермаркет, бошқа шунга ўхшаш бинолар ҳақида ҳикоя қилинади. Замондошларимизнинг бундай юмушларига эътироз билдирмаган ҳолда кўнглимдан шундай ўйлар кечади. Нимага мактаб қураётганлар йўқ? Нимага ўзимиз бир пайтлар таълим олган зиё масканига ҳеч бўлмаганда бир ойда бир марта ташриф буюрмаймиз? Мактаб дарсликларини олишга қийналиб, чўғдек китобга суқланиб қараётган қишлоқдошларимиз учун китоб харид қилишларига кўмак бермаймиз?

Лекин ҳамиша шундай эмас, зулматни нур енгади. Машҳур ёзувчи таъкидлаганидек: «Нур борки, соя бор!»

Президентимиз Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан 1999 йил 17 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқларида жумладан шундай деган эдилар: «Шуниси қувончлики, бугунги кунда юртимизда мактаб-маориф соҳасига ҳомийлик қилаётган тадбиркорлар пайдо бўла бошлади. Тўрақўрғон туманидаги «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Раҳмонжон Назаровнинг ўз ҳисобидан 270 ўринли мактаб биноси қуриб, ҳамқишлоқларига ҳадя қилгани ибратли ташаббус, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ, десак тўғри бўлади».

Ҳа, Раҳмонжон Назаровнинг эзгулик йўлида ташлаган жасоратли қадами юртбошимиз эътиборига тушди.

— Бир куни қаҳратон қишда кўшни қишлоқдаги мактабга кетаётган юпун болаларни кўриб, бирдан хаёлимга мактаб қуриш керак, деган қатъий фикр келди. Менинг бу ниятимдан хабар топганлар ажабланишди. Ундан кўра бирор корхона қуриб маблағингни кўпайтирсанг-чи, деганлар ҳам бўлди. Лекин мен ўз сўзимнинг устидан чиқдим. 1998 йил 1 сентябрда 270 ўринли мактабни фойдаланишга топширдим, — дейди Раҳмонжон Назаров.

— Бугун мен «Имкон» хусусий фирмасининг янги раҳбари сифатида Раҳмонжон ака бошлаган ишларни ниҳоясига етказмоқдаман. Мактабнинг иккинчи қисми, яъни ошхона, спорт зали бўлимини қуриш ишларини бошлаб юбордик, — дейди Муҳаммад Юнус Назаров.

Бугун хусусий фирма раҳбари қишлоқдошларидан 70 кишини иш билан таъминлади. 3,5 км. масофага ўз ҳисобидан газ қувури ётқизди. Қишлоғидаги 19-ўрта мактаб биносини таъмирлашга кўмак берди.

Наманган шаҳридаги Ўзбекистон — Япония «Силк-Роад» қўшма корхонаси

ИСТИҚЛОЛ ЧЕЧАКЛАРИ

Наманган шаҳридаги Ал-Хоразмий номидаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари.

Хусанов Дилмурод— 1991 йил 2 апрелда туғилган.

— Биз истиқлол билан тенгдошмиз. Ойимнинг сўзларига қарагандa мустақилликни орадан беш ой ўтгандан сўнг юзимда табассум билан кутиб олган эканман. Бечора ойижоним мени қанчалик бешикка белаш учун уринсалар ҳам уддасидан чиқолмаган эканлар. Кўлларимга, жажжи оёқларимга «кишан» солишларига йўл қўймаган эканман.

Одилова Ирода — 1991 йил 4 ноябрда таваллуд топган.

— Гуллар шаҳри Наманганнинг гул қизиман. Истиқлол эълон қилингандан роппа-роса 34 кундан сўнг дунё юзини кўрган эканман. Мен туғилган дақиқаларда истиқлол ҳам эндигина «чилласи чиқаётган чақалоқ» бўлган. Биз иккаламиз ҳам ўн ёшга тўлмоқдамиз. Мустақиллик абадий. У ўтказган ниҳоллар дарахт бўлишига ишонаман.

УЛҒАЯЁТГАН НИҲОЛЛАР

Ҳозирги вақтда 56 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3018 нафар педагог, муҳандис-педагоглар 34 мингдан зиёд ёшларга таълим-тарбия бермоқдалар ва касб сирларини ўргатмоқдалар. Жумладан:

2 та академик лицейда — 686 нафар ўқувчи,

22 та касб-ҳунар коллежларида — 12372 нафар ўқувчи,

21 та касб-ҳунар мактабларида — 12206 нафар ўқувчи,

10 та ўрта махсус ўқув юртларида — 8638 нафар ўқувчи,

1 та институт қошидаги лицей-интернатда — 205 нафар ўқувчи ёшлар таълим оладилар.

МАЪРИФАТ

1996-2000 йиллар давомида вилоятда 20290 ўқувчига мўлжалланган 42 та мактаб биноси, қўшимча синф хоналар қурилди. Янги мактабларнинг 18 таси спорт зал, ошхоналарга эга. Шу йиллар давомида мавжуд 22 та авария ҳолатидаги мактаблардан 10 таси ўрнига янги мактаб бинолари қурилди, 11 таси қўшимча бинолар қуриш ва бошқа бинолларга кўчириш ҳисобига шароитлари яхшиланди. 24 та мактабга тоза ичимлик суви олиб келинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида амалга оширилган ишларни таҳлил этиш мақсадида ўтказилган хатлов якунига кўра мактабларда 393 та спорт зал, 484 та футбол, 382 та қўл тўпи, 638 та волейбол, 469 та баскетбол майдончалари мавжуд.

Убайдулла МАМАТОВ, Косонсой тумани ҳокими:

— Косонсой туманида қўшма корхоналар сони 10 тага етди. Мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг бош бўғинларидан бири бўлган хорижликлар билан ҳамкорлик тобора кучайиб бормоқда.

2000 йилда қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 6 млрд. 429 млн. сўм ёки 1999 йилга нисбатан 3,3 марта ўсишга эришилди.

2000 йилда 15 млн. 177 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган, ўтган йилга нисбатан 3,0 баробар ўсишга эришилган. Экспорт қилинган маҳсулотнинг 73,2 фоизи қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 2000 йилда режадаги 22,1 км. ўрнига 23,3 км. ичимлик сув тармоқлари, 39 км. ўрнига 50,8 км. газ тармоғи қуриб фойдаланишга топширилди.

ТИББИЁТГА ТИЙРАН НАЗАР

Шу кунларда вилоят аҳолисига 5252 нафар врач, 19000 нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Вилоятда 350 ўринли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ташкил этилди. Марказни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун Финляндиянинг «Медко-Медикал инструментарию» корпорацияси ҳамда Германиянинг «Дентамед» фирмалари билан 5.5 млн. АҚШ доллари миқдорида шартнома тузилди. Ҳозирги кунда жиҳозларнинг маълум бир қисми, яъни 845 минг АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий жиҳозлар олиб келинди.

Мазкур марказга тайинланган барча бўлим мудирлари (улар 20 нафар) Москва шаҳридаги Склифасовский номидаги тез тиббий ёрдам илмий текшириш институтида тажриба алмашиб келишди. 2001 йилда 4 нафар врачни Исроил ва Америкада ўқитиш режалаштирилган.

Кейинги тўрт йил давомида вилоятда 64 қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Наманган шаҳрида 2005 йилга бориб замон талабларига жавоб берадиган 8 та маҳалла врачлик пунктлари ишга туширилади. 2000 йил давомида 2 та шаҳар врачлик пунктлари ишга туширилди.

Вилоят аҳолисига 11122 ўринга эга бўлган 108 та шифохона, 25650 бир сменадаги қатновга эга бўлган 258 та амбулатор-поликлиника муассасалари хизмат кўрсатмоқда.



Шунга қарамай аҳолининг вирусли гепатит билан касалланиши 15,6 фоизга ўсди. Касалликнинг ўсиши асосан Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Косонсой, Давлатобод туманларида кузатилмоқда. Бунга аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги, аҳоли яшаш ҳудудларида санитария-тозалов ишлари ўтказилишидаги жиддий камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқарилган муассасаларда ва нодавлат тизимида 277 нафар врач, 297 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 72 нафар кичик тиббиёт ходими, 99 нафар хўжалик хизматчилари, жами 745 нафар ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

ДАРДГА ДАРМОН

«Наманган дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси тизимида 4 та акциядорлик жамияти бўлиб, аҳолига ва даволаш муассасаларига дори-дармонлар ҳамда тиббий буюмларни етказиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли қарорида дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган 20 хил турдаги дори-дармонлар доимо бор. Халқаро ташкилотлар орқали 90 хилдан ортиқроқ турдаги дори-дармонлар ва тиббий буюмлар даволаш муассасаларига вилоят ҳокимлиги комиссияси томонидан тақсимлаб шифохоналарга етказиб берилди.

Бирлашма томонидан вилоятга келган дори-дармонлар сифатини текшириш учун 1 та назорат таҳлил лабораторияси ишлаб турибди.

Таассуфки, айрим хусусий дорихоналарда сифатсиз дори-дармонлар сотилиши бор гап.

Ҳозир вилоятда махсус ишчи гуруҳи тузилиб, кескин чоралар кўрилмоқда. Гуруҳ таркибидаги назорат идоралари вакиллари ва «дори-дармон» мутахассислари дорихоналар ҳамда бозорларда 80 га яқин текшириш ва рейдлар уюштирдилар. Текширишларда дориларнинг нотўғри сақланиши, фойдаланишга яроқсиз малҳамлар аниқланди. Биргина 14 февраль кунги рейдда 1 миллион 368 минг 415 сўмлик дори-дармонлар давлат реестрида йўқлиги маълум бўлди. Ёки 152 минг сўмлик сифатсиз, беморга малҳам ўрнига уқубат келтириши мумкин бўлган дорилар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Бирлашманинг ахборот бўлими аҳолига ва шифокорларга сотишга рухсат этилмаган ва сифатсиз дори-дармонлар рўйхатини вилоят, туман газеталари, телевидениеси орқали тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

ЮРТ КЕЗГАНДА

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ДАВР ОЙНАСИ

Президентимиз 1996 йил 6 ноябрда халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида «Наманган вилоятида 56 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Лекин улардан фақат 35 таси фаолият кўрсатаяпти», деган эдилар. Бугун эса аҳвол қандай?

Вилоят бўйича жами қўшма корхоналар сони 77 та. Фаолият кўрсатаётгани 45 та. Фаолиятини бошлаш арафасидагилари 11 та. Фаолиятини вақтинча тўхтатгани эса 21 тадир.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, фаолиятини вақтинча тўхтатган қўшма корхоналарнинг сони ҳамон кўп. Назаримизда, қўшқанотларимиздан бири бўлган қўшма корхоналаримиз бақувват бўлиши лозим. Биз дунёга, дунё бизга интилишининг тимсолига айланган қўшма корхоналаримиз фаолияти янада яхшиланмоғи заруратдир.

Ислом КАРИМОВ:
Наманган халқи — орасталикни, бунёдкорликни яхши кўрадиган, бунинг қадрига етадиган халқ. Кейинги йилларда бу соҳада қилинган кўпгина ишлар бунинг тасдиғидир.

ЕРНИНГ ЭГАСИ



Бугун вилоятда 2239 та фермер хўжалиги мавжуд. Уни ривожлантириш мақсадида хорижга тажриба алмашиш учун сафарлар уюштирилмоқда.

1998 йил 7 нафар фермер Голландияда бўлди.

«Чортоқ барака» фермер хўжалиги раҳбари Нўъмонжон Темиров бир ой муддатга Америкага юборилди. Бугун у чорва наслини яхшилаш бўйича иш олиб бормоқда.

Мингбулоқ туманидан уста миришкор Абдуқаҳҳор Салимов (суратда) ернинг ўз эгаси бор, дейишни яхши кўради.

УЙҒОҚ ТЎЛҚИНЛАР ҲАЙҚИРИҒИ

Наманган давлат университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1992 йил 28 февралда ташкил этилган.

Ҳозирги кунда университетда 11 факультет, 33 кафедра фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тасвирий санъат, мусиқа, кимё йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш имкони пайдо бўлди. Кафедралар ташкил этилди ҳамда моддий-техника базаси яратилиб, олимларнинг салоҳияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда ўсиб бормоқда.

Ўтган 10 йил ичида университет олимлари томонидан 10 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Шу давр ичида 50 дан зиёд номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Наманган давлат университети қошида 12 та мутахассислик бўйича аспирантура очилган бўлиб, унда 42 нафар аспирант таҳсил олмоқда.

Университетда «Ўзбекистон — Америка», «Ўзбекистон — Франция» жамиятларининг филиаллари, Миср маданият маркази ташкил этилган. 15 нафар профессор-ўқитувчилар, 20 дан зиёд талабалар хориж университетларида малака ошириб келганлар. Республика «Умид» жамғармасининг совриндорлари А. Нажмиддинов АҚШда, М. Ҳайдаров, А. Бозоров Англияда таҳсил олиб қайтдилар.

Талабалардан Анна Межлумова АҚШнинг Индиана штатидаги Батлер университетида, Ренат Юсупов Виржиния штатидаги Медисон университетида таҳсил олмоқдалар.

Республика «Устоз» жамғармасининг совриндорлари, профессор Н. Раҳимов ва доцент К. Ҳусановлар АҚШнинг Мерленд университетида малакасини оширдилар.

Университетда немис тилидан дарс берувчи 15 профессор-ўқитувчининг барчаси Германия университетларида тажриба алмашиб, ҳозирги кунда илғор педагогик технологияларни жорий қилишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

1994 йилдан бошлаб университетда турли рағбатлантирувчи стипендиялар ташкил қилинган. Умумий кимё кафедраси аспиранти Н. Абдуллажонова 2000 йилда Президент стипендияси совриндори бўлди.

Қардошлик

ҚЎЛЛАРИДА БИЛЛУР СОВРИН ТУТГАНЛАР

1991-2000 йиллар мобайнида вилоятда 12 та ўйингоҳ ва 100 дан ортиқ футбол майдонлари барпо этилди.

1992 йилда вилоятнинг «Навбаҳор» футбол жамоаси мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк бор ташкил этилган биллур Кубогини қўлга киритди. Ва уни уч маротаба забт этиб абадий сақлаб қолдилар.

Бугунги кунда вилоятда 28 та ўйингоҳ, 444 та спорт зали, 30 та сувда сузиш ҳавзаси, 317 та отиш тири, 518 та баскетбол, 1517 та волейбол, 390 та қўл тўпи, 423 та футбол, 429 та кичик футбол, 33 та теннис корти, 1 та велотрек каби спорт иншоотлари вилоят аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида вилоятда қуйидаги жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган спорт иншоотлари ишга тушди.

1. «Дўстлик» теннис мажмуи — 1996 йил
2. «Паҳлавон» спорт мажмуи — 1998 йил
3. Наманган туманида 15000 ўринли ўйингоҳ — 1998 йил
4. «Динамо» спорт мажмуи — 1999 йил
5. Уйчи туманидаги «Қизилравот» қишлоғида «Соғлом авлод» спорт мажмуи — 2000 йил
6. Янгиқўрғон туманидаги марказий ўйингоҳ — 2000 йил
7. Касаба уюшмалари вилоят спорт жамиятига қарашли «Дельфин» сувда сузиш ҳавзаси — 2000 йил
8. «Алпомиш» спорт мажмуи — 2000 йил

Давлатобод туманидаги 36 минг ўринли «Навбаҳор» марказий ўйингоҳи катталиги бўйича нафақат республикада, балки Ўрта Осиёда ҳам энг йирик ўйингоҳлардан бири саналади.

— Стол тенниси бўйича чустлик Севара Қодирова 1999 йилда Швецияда ўтган жаҳон ёшлар чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Шахмат бўйича Осиё чемпионатида Ольга Сон 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони унвонини, биатлондан Муҳаббат Кандакова Европа очиқ чемпионатининг ғолиблигини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

«Навбаҳор» футбол жамоаси 1996 йилда Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

2000 йилда вилоятда футбол бўйича «Гулбаҳор» аёллар жамоаси ташкил этилиб, ҳозирги кунда республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

1991-2000 йилларда вилоятнинг 5000 дан ортиқ спортчилари 600 га яқин республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этган.

Ҳозирда вилоятнинг 55 нафар спортчиси Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларидир.

«Универсиада — 2000» мусобақасида вилоят терма жамоаси фахрли I-ўринни эгаллади.

Енгил атлетикачилардан Екатерина Кремлёва, Елена Квятовскаялар Сиднейда бўлиб ўтган «Олимпиада — 2000» мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.



РУҲИЙ ПОКЛАНИШ

«Бизнинг вазифамиз, аввало, дин пешволарининг, масжид-мадрасаларда хизмат қиладиган уламоларнинг вазифаси ота-боболаримизнинг эзгу илоҳий дини бўлган ислом дини, Қуръони карим ва ҳадиси шариф даъватларини фарзандларимизга тўғри етказишдир», *деган эдилар Президентимиз.*

Бугунги кунда вилоятда 173 та масжид, Мулла Қирғиз номидаги мадраса фаолият кўрсатмоқда. Масжидларнинг имом ҳатиблари махсус маълумотли кишилардир. Ўтган ўн йил давомида истиқлол шарофати, юртбошимизнинг одилона сиёсати туфайли 10000 нафардан ортиқ наманганликлар муқаддас ҳаж ва умра сафарларида бўлдилар. Шу кунларда 550 нафар вилоят фуқаролари ҳаж амалини адо этиш учун жўнаб кетдилар.

Динимиз ҳамиша инсонни эзгуликка, илм олишга, яратувчиликка, руҳий покланишга даъват этган. Ҳаттоки чумолига озор бериш гуноҳ эканлиги айтилади.

Бугун истиқлол Ватанида ҳеч ким диний эътиқоди учун таъқиб этилмайди. Эзгуликка даъват эса боқий туйғудир.

МАСКАНЛАРИДА

Жорий йил қурилиш режасига кўра, 2 та мактабда (Наманган шаҳридаги 50- ва Чуст туман Ақча қишлоғидаги 22-) қурилиш ишлари давом эттирилади.

2000-2001 ўқув йилига тайёргарлик кўришни яхшилаш мақсадида «2000 йил 15 майдан — 15 июнгача халқ таълими муассасаларига ёрдам бериш ойлиги»-ни ўтказиш ҳақида вилоят ҳокимлиги 2000 йил 1 май куни қарор қабул қилган эди. Ушбу қарор асосида ҳомийлар томонидан 271,3 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Вилоятда жами 670 мактаб мавжуд бўлиб, ўқиш 417 мактабда икки сменада, 253 та мактабда 1 сменада ташкил қилинган. Ўқитувчиларнинг 29510 нафари олий маълумотли, 7,849 нафари эса махсус ўрта маълумотга эга.

КОСОНСОЙ КЎНГИЛГА ЯҚИН КЕНТ

КАДР

Ҳар бир одамнинг ўз мамлакатини ҳур ва озод кўришдай эзгу орзуси замирида ўзининг инсон сифатидаги қадр-қимматини авайлаш ва ардоқлаш ётади. Зотан қарам мамлакатнинг султони бўлмоқдан мустақил юртнинг фуқароси бўлмоқ минг бор афзалдир.

Чунки ҳар бир фуқаро ҳур мамлакатда қандайдир «хўжа»лардан илтифот кутмай ўз халқи ва Ватани олдидаги хизматлари учун қадр топади.

Мустақилликнинг ўн йили давомида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ана шундай эътирофга сазовор бўлди. Бир қаламкаш сифатида мени вилоятларда яшаб ижод қилаётган дўстларим Тўра Сулаймон, Тўлан Низом Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлишгани беҳад қувонтирди.

Камина ҳам Президентимизнинг муборак фармонлари билан 1999 йилда Ўзбекистон халқ шоири деган фахрий унвонга муносиб кўрилдимки, бу менинг камтарин меҳнатим истиқлол туфайли қанчалик улуғланганидан далолат. Айниқса, Халқ шоири унвонини Оқсаройда муҳтарам Президентимиз қўлларидан олган лаҳзалар умримнинг энг нурли онлари бўлди. Она Ватан муҳтарам Президентимиз сиймосида ҳар бир фарзандини ардоқлар экан, демак ҳар бир фарзанд ана шу ардоққа муносиб бўлмоғи, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жонини тикишга тайёр турмоғи керак. Акс ҳолда у фуқаро ҳам, фарзанд ҳам эмас.

■ Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

«МАШКАНАЛ» БУНЁД ЭТИЛМОҚДА



Поп туманида янги ерларни ўзлаштириш, насос станциялари қурилишини тезлаштириб, туман аҳолисига ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш кўзда тутилган. «Намангансувқурилиш» вилоят акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма жамланмаси бош пудратчи сифатида иш бошлаганига ҳам ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Шундан буён бу ерда 28 миллион 552,31 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Чодак насос станциясининг биринчи сув кўтариш иншоотида 2 миллион 872 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. 1920 куб метр бетон, 114 тонна армокаркас монтаж қилинди ва 1260 квадрат метр изоляция ишлари амалга оширилди. Ҳозиргача қилинган ишлар ҳажмининг ҳисоб-китоби шуни кўрсатиб турибдики, белгиланган режа 107 фоиз уддаланди ёки 241 миллион 816 минг сўмлик иш бажарилди.

Жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М. Набиевнинг эътироф этишича, беш навбатдан иборат мазкур иншоотда қуйидаги ишлар амалга оширилади: секундига 18,5 куб метр сувни 189 метр баландликка кўтариб берадиган машина-каналининг узунлиги 30 километр. Шундан ўнг ирмоқ 12,7 км., чап ирмоқ 17,8 километр. «Машканал»нинг ишга туширилиши билан 16725 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, сув билан таъминланади. Учта подстанция қурилади. Ҳозиргача мазкур объектнинг биринчи навбати қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

ЦЕЛЛЮЛОЗА – ЎЗИМИЗНИКИ

Худди шу хомашё камёб. Негаки, Наманган кимё заводи (ҳозир «Карбонам» АЖ) кейинги йилларда дадил фаолият кўрсата олмади. Юртбошимиз вилоятда бўлганларида кўтарилган муаммога ниҳоят ечим топилди.

Вазирлар Маҳкамаси шу йил 11 январда «Наманган «Карбонам» акциядорлик жамиятида нитро-целлюлоза ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга кўра тез орада кимё саноати учун зарур хомашёга эга бўламиз.

Франциянинг «СНПЕ инжиниринг Дефенс» компанияси «Карбонам» ҳамкори бўлди. Компания бунинг учун 169,5 миллион француз франки миқдорида маблағ сарфлайди. Лойиҳа амалга ошса, йилига 15 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқариш имкони туғилади. 7 йилга олинадиган кредит тайёр маҳсулот ҳисобида ҳисоб-китоб қилинади. Заводни қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 26 ой муддат белгиланди.

Содиқжон Азимов,
Уйчи тумани ҳокими:

— Туманимизда 2001 йил «Оналар ва болалар йили» муносабати билан ногирон болаларга мўлжалланган махсус боғча иш бошлади. 90 болани ўз бағрига олган бу маскан фарзандларимиз учун қувонч мамлакатига айланишига ишонаман.

— Яқинда ўзим таълим олган мактабнинг, илк 1-синфга қадам қўйган ўқув хонасини ўз ҳисобимдан таъмирлаб бердим. Хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам ишни мактаб, яъни эзгулик, зиё масканларидаги аҳвол билан танишишдан бошласалар яхши бўларди.

Қўш саҳифани Фаррух ҲАМРОЕВ,
Маҳмуджон ПАРПИЕВлар тайёрлашди.
Суратлар муаллифи Турғунбек МАҲКАМОВ

НАВБАТ АНДИЖОН ВИЛОЯТИГА

1 МАРТ — ЗУЛФИЯХОНИМ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ПОЙИНГИЗГА чечаклар нисор

Биз ўшанда ҳали дунёни фақат ҳайратдан иборат деб тушунган ғўр қизалоқлар, мактаб ўқувчилари эдик. Ўқитувчиларимиздан ҳар куни тинглайдиганимиз — Зулфия номингиз биз учун жуда сеҳрли эди. Сизнинг кафтдеккина, муқовасига сувратингиз туширилган китобчангизни авайлабгина олиб юрардим. Шеър тилсим, шоирлик тилсим эди...

* * *

Республика ёш ижодкорларининг семинари бўлиб ўтган эди, 1976 йил баҳорларида... Қўқонлик шоира Дилбар Ҳамаҳўжаеванинг гўзал ташбеҳларини Сиз бир дунё ҳайрат ва қувонч билан қаршилаган эдингиз. *«Кулранг булутларга қанотларини белаб-белаб учган қалдирғочлар»*... Ўзининг азиз жонини азобларга тутавериб илма-тешик бўлиб кетган ангишвона образи... Ёки ботаётган қуёш... Уфқнинг гўзал шеърий сувратлари: *«Қуёшнинг ўт лаби қолган булутлар баданида»*... Сизнинг ҳассос қалбингизни ларзага солган топилмалар эдики, Сизнинг назарингизга тушганидан Дилбар учиб юрар, тенгдошимизнинг улуғлар томонидан эътирофи эса ҳаммамизнинг ютуғимиз, ҳаммамизнинг қувончимиз эди, Зулфия опа. Сиз адабиёт даргоҳига тортинибгина қадам қўяётган истеъдодларга ҳамиша қувват берадиган сўзингизни айтишдан чарчамас эдингиз. Уларнинг орасида порлаб турганларни алоҳида ажратиб, бир даста гул каби халққа тутардингиз. Йўлларини икиркичкирлардан, турли кўзга кўринмас ғовлардан бир лутф ила очиб қўяр эдингиз. Шоираларингизнинг шаъни сизнинг шаънингиз, уларнинг ютуғи сизнинг ютуғингиз, уларнинг қайғу-армонлари сизнинг қайғу-армонларингиз эди.

* * *

Ниҳоят мен узоқ кутган кун келди. Севимли шоирамиз Ойдин Ҳожиева «Шарифа, келинг «Саодат» журнали саҳифаларида шеърингиздан бир туркум берайлик» деб қолдилар. Мен умуман матбуотда кам чиқардим. Журналда ҳам сира иштирок этмаган эдим. «Қандоқ бўларкин, Ойдин опа,— дедим тортиниб. Шеърларимга ўзимнинг ички талабим шунчалар кучлики... Зулфия опамдек шоиранинг нигоҳларидан ўтиши...» Ойдин опам мени тушундилар. Кулдилар. «Оббо сиз-ей, битта китобингиздан ҳам олиб келинг. Бирга кирамиз». Айтилган кунгача мен имтиҳон топширадиган талаба аҳволида эдим. «Ҳаёт завқи» деб номланган илк китобчамга дилимдаги сўзларимни тушириб, Ойдин опа билан қимтинибгина Сизнинг ҳузурингизга келдим, Зулфия опа! Сиз эса гўё минг йиллик қадрдонингизни кўргандек, «Шарифахонсиз-а, мен сизнинг шеърларингизни ўқиганман», деб қаршиладингиз ва маҳкам бағрингизга босдингиз. Негадир мижжаларингизда тўла ёш эди. Кейин менга: «Сиз менга ёшлигимни эслатдингиз», — дедингиз. Мен эса гўё ширин туш кўраётгандек эдим. Буюклик ва оддийлик олдида лол эдим. Тортинишларим, ҳаяжонларим тумандек тарқалганди. Менинг олдимда ўзим узоқ интилганим — теран шеърият, жаҳонгашта шоира Сиз турардингиз, Зулфия опа.

— Ҳозир неча ёшдасиз, — деб сўрадингиз.

Мен ёшимни, оиламни, иккита қизчамни айтдим. Кўзларингиз порлаб кетди. «Мен эса Москвага ёзувчилар анжуманига борганимда сиздан икки ёш кичик эдим. Шунда рус шоираси Вероника Тушнева менга қараб, «Шарқ қанчалар гўзал» деб ҳайратга тушган эди. Сизга қараб ёшлигим эсимга тушиб кетди. Аммо менинг бошимга тушганларни сизлар кўрманглар», дедингиз. Кейин ҳар битта шоира ҳақида меҳр билан гапириб, тавсифладингиз. Шеъриятдаги топилмалар, яъни образларнинг аҳамияти, сўзни билиб ишлатиш, унга сайқал бериш ҳақида гапирдингиз. Нечта китоб чиқарганлигимни сўрадингиз. «Атиги битта, — дедим. Рухсат берсангиз, сизга совға қилсам».

— Мен китобчани ўқиб албатта фикрларимни айтаман. Сиз тез-тез «Саодат»га келиб туринг. Ёзишни ташлаб қўйманг, — дедингиз самимият билан. Столингиз устида эса тўп-тўп қўлёзмалар турар эди.

Бир соатдан ортиқ давом этган мулоқотда мен батамом бошқа инсонга айланган эдим. Ўзимга, шеърларимга ишончим ҳам ортган, гўё елкаларимда Асқар тоғ — суянч тоғларининг қуввати билан кетаётгандек эдим. Эълонга танлаб олинган бир туркум шеърларим ҳақида ҳам, китобча ҳақида ҳам баланд фикрлар билдирдингиз. Кейин билсам ўша баҳолар билан шеърият олдида, меҳрлар билан ўзингизнинг олдингизда бир умр қарздор қилиб қўйган экансиз, Зулфия опа! Биз бир нарсани — Зулфия опанинг қизлари — ёмон бўлишга ҳақимиз йўқлигини билардик. Ёмон ёзишга ҳақимиз йўқлигини билардик.

* * *

... Мен ўшанда ушбу учрашувимиз сўнгги учрашув бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, Зулфия опа. Унгача ҳам сиз матбуотдаги онда-сонда чиқишларим ҳақида ўз фикрингизни гоҳ Ойдин опа, гоҳ телефон орқали айтиб, қувватлаб, юрагимни ёруғлантириб турардингиз. Сиз билан катта бир суҳбатни режалаштириб қўйган эдик. Авайлаганимиз, бир даражада журъатсизлик, сизнинг гоҳ беморлигингиз боис бу суҳбат орқага сурилиб келяпти.

Бир куни ажойиб журналист опамиз Дилбар Маҳмудова билан олдингизга бордик. Ҳаво намчил, баҳор бошланган бўлишига қарамай, сезиларли совуқ эди. Топ-тоза зиналардан кўтарилиб, эшик қўнғироғини босдик. Эшикни очдингиз-у, болалардек қувониб кетдингиз. Оёқларимизга кийиш учун янги шиппаклар бердингиз. Ўзингиз бир зумда бошқа кийим кийиб чиқдингиз. Рангингиз бироз сарғайинқираган бўлишига қарамай, ўктам товушда ҳамамизни бир-бир сўраб чиқдингиз. «Сизни икки кун бурун телевизорда кўрдик, Ҳулкар билан. Ватан ҳақида жуда яхши шеър ўқидингиз. Атлас кўйлакда эдингиз-а». Мен Сизни одатдагидек жим тинглардим.

Суҳбат мобайнида вазада салгина қийналиб турган гулнинг бирини авайлабгина тўғрилаб қўйдингиз. Худди боланинг бошини силагандек эҳтиёткорлик ва меҳр билан. Суҳбат мавзуси бугунги шеърият — қизларимиз ижодига бориб тақалди. «Ҳар биттаси жуда баланд шоиралар, ҳозирги шеърият жуда баланд шеърият», — дедингиз фахр билан. «Бир-биридан кучли қизлар етилиб келяпти шериятимизда». Сўнгра ҳар бир шоиранинг сизга маъқул мисраларини айтдингиз. Дилбар опа иккаламиз Сизнинг шахс сифатида жуда улканлигингиздан, қувваи ҳофизангизнинг ўткирлигидан ҳайратланиб ўтирардик.

— Вақтида доримни ичиб олишим керак, бўлмаса Ҳулкар хафа бўлади, — дедингиз. — Болаларим яхши, жуда яхши, — дедингиз ғурур билан. — Улар жуда меҳрибон. Ҳаммага ҳам шундоқ фарзандлар насиб қилсин.

Сўнгра суҳбат мавзуси рассом Абдулҳақ Абдуллаев томонидан чизилмай қолган полотнога — ўзингизнинг расмингиз ҳақида кетди. «Чизиш учун ҳамма нарса тайёр эди, бироқ рассомнинг таклифи — ерга қараб ўтириш таклифи менга маъқул тушмади». Биз чизилмай қолган суврат устида анча баҳслашиб ўтирдик.

Сиз билан хайрлашар эканмиз, ҳув биринчи галдагидек, мени меҳр билан, қаттиқ бағрингизга босдингиз. Мижжаларингизда нимадир йилтираб кетди. Айнан остонада туриб юрагингизнинг устига қўлингизни қўйиб кўрсатдингиз: «Худди шу еримда нимадир қўзғаб қўйдингиз. Сизга ҳамиша — кечаю кундуз эшигимиз очиқ».

Кейин эса... биз сизни қайта кўролмадик, Зулфия опа. Сиз бемор ётган пайтларингизда ҳам бордик, кўролмадик. Бизни аядингиз, кўнглимиз эзилишини истамадингиз.

Вақт эса... Ҳамон... «Вақт бошимдан оқиб ўтяпти,

Оқиб ўтяпти вақт кўзимдан».

Баҳор дарёлари эса оқиб келяпти Сизни сўроқлаб. Сонсиз-саноқсиз чечакларини Сизга келтиряпти, пойингизга нисор айламоқ учун. Сизнинг номингиздаги Давлат мукофотига сазовор бўлган навқирон Зулфиялар, Зулфияхоним қизлари келяпти, Сизни таваллуд кунингиз билан қутлагани. Тиқмачоқдек билагига кўзмунчоқлар тақиб, шеърлар ёзувчи тўққиз ёшли шоира қизингиз Гулҳаёлар, Нодиралар келишяпти, Сиздан дуо олгани. Сиз эса ўша-ўша... улуғворлик билан сокин ўтяпсиз барчамизнинг кўксимиздан.

■ Шарифа САЛИМОВА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бош бошқармаси «Автоҳамрох» журналида болалар иштирокида юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, бу борада тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, мактабларда ва мактабгача тарбия муассасаларида «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича ўтиладиган дарсларнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида кичик ҳажмдаги бадиий ва публицистик асарлар (шеър, ҳикоя, ҳажвия, мақола, очерк, лавҳа ва ҳоказо) ҳамда фотосуратлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов жорий йилнинг март ойидан бошланади ва декабрь ойида якунланади. Унинг натижалари «Автоҳамрох»нинг 2002 йил январь сонида эълон қилинади.
Лозим топилган асарлар эса йил давомида журнал саҳифаларида чоп этиб борилади.

СИЗ:

— болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмасликлари ёки амал қилмасликлари оқибатида рўй берадиган йўл-транспорт ҳодисалари;
— «Йўл ҳаракати қоидалари» дарсларини ўқитиш намунали даражада йўлга қўйилган мактабларда тўпланган тажрибалар;
— республика ёш автоназоратчиларининг «Яшил чироқ» мусобақалари ва уларнинг ғолиблари;
— энг яхши автошаҳарчалар;
— болалар муассасалари билан яхши ҳамкорлик ўрнатган ДАН ходимлари;
— болалар оромгоҳларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ва бошқа шунга ўхшаш мавзулардаги асарларингиз ҳамда фотосуратларингиз билан танловда иштирок этиб, омадингизни синаб кўринг.

Танловга юбориладиган асарлар аввал ҳеч қаерда чоп этилмаган, матнлар компьютерда ёки ёзув машинкасида терилган ва ҳажми 4 қоғоздан ошмаган, фотосуратлар рангли бўлиши шарт.
Айни вақтда исм-шарифингизни, касбингизни ва турар-жойингизни аниқ кўрсатишни унутманг.
Танлов учун 1 та биринчи, 2 та иккинчи ва 3 та учинчи ўрин таъсис этилди.
Биринчи ўрин учун — 50 (эллик) минг сўм;
иккинчи ўрин учун — 40 (қирқ) минг сўм;
учинчи ўрин учун — 30 (ўттиз) минг сўм миқдорда пул мукофотлари белгиланган.

Танлов ғолибларига мукофотлар ИИВ ДАН Бош бошқармасида тантанали равишда топширилади.
Манзилимиз: Тошкент-128. Шайхонтоҳур тумани, Шоир кўчаси, 1-уй, 5-қават. **«Автоҳамроҳ» журнали**
Маълумот учун телефонлар: 144-27-16, 144-28-43, 34-57-64.

БИЗ СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МУНИЦИПАЛ БИРЖАСИ

барча тадбиркор ва сармоядорларни 2001 йил 2 апрель куни соат 11.00 да Афросиёб кўчаси, 2-уйнинг 2-қаватида ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.

Савдога Оҳангарон шаҳар С.Раҳмонова кўчаси, 3-уйда жойлашган «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг маъмурий биноси қўйилади.

Бошланғич нархи — 47 миллион сўм.

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган автотранспортлар ҳам ушбу савдога қўйилади.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Аукционда қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Телефон (факс): 56-61-64

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«БЕКОБОД УН»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Бекобод ун» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2001 йил 27 март куни соат 10.00 да ўтказилишини маълум қилади.
Йиғилиш жамиятнинг мажлислар залида бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Бекобод ун» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 2000 йилдаги фаолияти натижалари ҳақидаги бошқарув ҳисоботи.
2. Йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3. «Бекобод ун» ОТҲЖ 2000 йилги чиқимлар ва киримлар рўйхатини тасдиқлаш.
4. Тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2000 йилдаги фаолияти натижалари ҳақидаги аудиторлик текширувларнинг хулосасини тасдиқлаш.
6. 2000 йил якунига кўра дивиденд тўлаш ҳақида.

«БЕКОБОД УН» ОТҲЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ОЛМАЛИҚ НОН»

акциядорлик жамияти

«ОЛМАЛИҚ НОН КОНДИТЕР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кузатув кенгаши «Олмалиқ нон» кондитер ишлаб чиқариш комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг йиллик умумий мажлисини 2001 йил 27 мартда ўтказилишини маълум қилади.
Акциядорларнинг умумий мажлиси ўтказиладиган манзил:
Олмалиқ шаҳри, VI-5 даҳаси, «Олмалиқ нон» акциядорлик жамияти маъмурий биноси.
Мажлис соат 14.00 да бошланади. Акциядорлар соат 13.00 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.
Рўйхатдан ўтиш чоғида акциядорнинг паспорти, (ҳарбий хизматга алоқадорлиги гувоҳномаси) шахс вакили эканлигини тасдиқловчи далолатнома кўрсатилиши лозим.
Акциядорлар умумий мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати кузатув кенгаши қарорига биноан 2001 йил 22 март ҳолатига кўра тузилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2000 йил фаолият якунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботини ва 2001 йил истиқболи режаларини, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарар ҳисоби, фойдани тақсимлашни тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2000 йилги фаолияти тўғрисида Тафтиш хайъати хулосасини тасдиқлаш.
3. 2000 йил учун молия ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. 2000 йил учун дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.

Навбатдан ташқари умумий мажлисга тайёргарлик кўриш чоғида акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар билан 2001 йил 22 мартда жамият бошқарувида танишиш мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали
Сиз азизларни 2001 йил 4 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:

Қарздор «Ўзбекистон» фермер хўжалиги тажриба бирлашмасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:
1. «ГАЗ-53-а», д-р 60-43 ТШН, бошланғич нархи — 414000 сўм
2. «ГАЗ-53-а», д-р 88-78 ТШМ, бошланғич нархи — 540000 сўм
3. «ГАЗ-53-а», д-р 68-02 ТШН, бошланғич нархи — 704000 сўм
4. «ГАЗ-53-а», д-р 33-23 ТШП, бошланғич нархи — 1243000 сўм
5. «ГАЗ-53-б», д-р 81-24 ТШМ, бошланғич нархи — 373000 сўм
6. «ГАЗ-53-б», д-р 81-25 ТШМ, бошланғич нархи — 414000 сўм
7. «ГАЗ-53-б», д-р 67-31 ТШМ, бошланғич нархи — 290000 сўм
8. «ГАЗ-53-б», д-р 36-57 ТШП, бошланғич нархи — 953000 сўм
9. «ГАЗ-53-б», д-р 81-24 ТШМ, бошланғич нархи — 414000 сўм
10. «ГАЗ-52», д-р 66-12 ТШН, бошланғич нархи — 608000 сўм
11. «ГАЗ-53-а», д-р 36-84 ТШП, бошланғич нархи — 1235000 сўм

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар март ойи ҳар чоршанба кунларида харидор чиққан ҳолда савдоси бўлиб ўтади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали
2001 йил 30 март, 13 ва 27 апрель кунлари кимошди савдоларини ўтказади.
Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. «Узпроммашимпэкс» давлат акциядорлик компаниясининг:
— «ГАЗ-3129» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 475829 сўм.
— «РАФ-2203-01» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1154490 сўм.
2. «Трансстройснаб» давлат тижорат ишлаб чиқариш фирмасига қарашли «ИЖ-2715» русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 166833 сўм.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳий клиник шифохонасига қарашли:
— «Москвич-21412» русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 292724 сўм.
— «ГАЗ-5204» русумли, 1984 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 294345 сўм.
— «ИЖ-2715» русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 188273 сўм.
— «УАЗ-3962» русумли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 257824 сўм.
— «ВАЗ-21063» русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 202620 сўм.

Шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич нархи — 269339 сўм.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

САВДОЛАР 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй.
МЎЛЖАЛ: метронинг «Навоий» бекати.
ТЕЛЕФОНЛАР: 144-44-73, 144-44-72.

«САҒБОН НОН»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, «Сағбон нон» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг 2000 йил якунлари бўйича йиллик ҳисобот мажлиси 2001 йил 30 март куни соат 10.00 да «Боситхон» қаҳвахонасида ўтказилади.
Акциядорлар ўша жойда соат 9.00 да рўйхатга олинади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Сағбон нон» очиқ акциядорлик жамияти раисининг 2000 йил молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда 2000 йил йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Корхонанинг 2000 йил молиявий хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик текширувини тасдиқлаш ва 2001 йил учун аудиторни тайинлаш.
4. Бошқарув аппарати ва кузатув кенгашининг 2000 йил қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
5. Дивиденд берилиш миқдорини тасдиқлаш.
6. 2001 йил учун бизнес планни тасдиқлаш.

«САҒБОН НОН»
очиқ акциядорлик жамиятининг
2000 йил фаолияти бўйича бухгалтерия баланси.

АКТИВ	минг сўм	ПАССИВ	минг сўм
Узоқ муддатли активлар	74697	Узлиқ маблағлар манбалари	63941
Оборот активлари	55491	Мажбуриятлар	31021
Баланс активи бўйича жами	130188	Баланс пассиви бўйича жами	130188

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 йил 31.10 да 209-сонли лицензиясини олган «Ўздонмаҳсулот-аудит» МЧЖ «Сағбон нон» ОАЖнинг 2000 йил бўйича балансини тафтиш этган ва тасдиқлаган.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси кекса журналист
Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.